
ФАРҒОНАДА “БИЗ БИР БЎЛСАК, ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК - ВАТАНМИЗ” ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Истиқлол” стадионида “Биз бир бўлсак, ягона халқмиз, бирлашсак - Ватанмиз” шиори остида ёшлар фестивали ҳамда галаконцерт дастури бўлиб ўтди.

Фестиваль доирасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Азизбек Икромов иштирокида “Генерал ва ёшлар”, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони биринчи ўринбосари Жамшид Каримов иштирокида “Раҳбар ва ёшлар” учрашувлари ташкил этилди.

Шунингдек, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Мақсуд Маматхонов ҳамда Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи Шавкатжон Дўсалиев тадбиркорлик қилиш истагида бўлган ёшлар билан мулоқот қилдилар. Учрашувларда ёшлар ўзларини қизиқтирган савол ва таклифлар билан фаоллик кўрсатишди.

Фестиваль давомида вилоятдаги олий таълим муассасалари фаолиятини ўзида акс эттирган кўرғазмалар, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ташаббуси билан китоб ярмаркалари ташкил этилди.

Бундан ташқари, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Миллий гвардия вилоят бўйича бошқармаси, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўрғазмалари ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Миллий спорт ўйинлари, стол тенниси, армрестлинг, камондан ўқ отиш, шахмат, шашка каби қизиқарли мусобақаларда ва ёш рассомлар кўрғазмаларида ҳам ўғил-қизлар ўз имкониятларини намойиш этдилар.

Яқунда санъаткорлар иштирокида галаконцерт дастури, ҳарбий оркестр ижросидаги куй-садолар, ҳарбийлар ва “Ватанпарвар” ташкилотининг кўрғазмали намойишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-09-09 21:24:30